

УДК 620:304

МУҲАНДИСЛИК СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Алматаев Тожибой Орзиқулович

*Андижон давлат техника тнститутини, "Автомобилсозлик ва транспорт" кафедраси
профессори, т.ф.н., профессор.*

Аннотация. Ушбу мақолада муҳандислик соҳасида гендер тенглик муносабатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар орасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари таҳлил қилинган ҳамда муҳандислик гендер тенглик муносабатларини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар. Муҳандислик, гендер тенглик, муносабат, тадқиқот, ишлаб чиқариш, ижтимоий, таклиф.

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В ИНЖЕНЕРИИ

Аннотация. В данной статье анализируются исследования гендерно-равных отношений в инженерии, результаты социологического опроса, проведенного среди специалистов производственных предприятий, профессоров и преподавателей института, а также студентов, и разрабатываются предложения и рекомендации по улучшению гендерно-равных отношений в инженерии.

Ключевые слова. Инженерия, гендерное равенство, отношения, исследования, производство, социальные вопросы, предложения.

GENDER EQUALITY IN ENGINEERING

Abstract. This article analyzes research on gender-equal relations in engineering and the results of a sociological survey conducted among manufacturing industry professionals, academic staff, and students; it also develops proposals and recommendations for improving gender-equal relations in the field of engineering.

Keywords: Engineering, gender equality, relations, research, manufacturing, social issues, proposals.

КИРИШ

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Сенатининг 2021 йил

28 май СҚ-297-IV-сон қарорида [1], такидланишича сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад — Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислохотлар билан ҳамоҳангдир

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ривожланиш босқичида, шу жумладан, муҳандислик соҳасини ривожлантиришда, гендер ва этнопсихологик ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларининг мустаҳкамлаш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда феноменал ҳодиса сифатида муҳандислик фаолиятининг этнопсихологик хусусиятларини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлатда, ривожланаётган ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий муносабатларда ўз аксини топишини таъминлаш мақсадида хотин-қизларни замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни муҳандислик фаолиятига кенг жалб этиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Бу борада эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлаган ҳамда аёлларни тайзиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш

йўналишларида катта имкониятлар яратилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган сиёсат, энг аввалло конституциямизнинг 18 ва 46-моддаларида ўз ифодасини топди, барча кодексларда ва қонунларда жинслар тенглигига ва уни таъминлашга алоҳида урғу берилди. Гендер сиёсатининг долзарб масалалари сирасига қуйидагилар киради:

- жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш; • сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;
- сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларига хотин-қизлар ва эркакларни тенг асосда жалб қилиш ва хотин-қизларни тайинладиган раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишга оид фаолиятини рағбатлантириш;
- сиёсий лидер аёлларни тайёрлаш тизимини шакллантириш;
- давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; • давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига танловлар асосида тайинлаш механизмларини жорий қилиш орқали хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш, амалдаги 27% ни 50% гача кўтариш;
- жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотинқизларнинг иштирокини кучайтириш;
- таълим, илм-фан ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда узлуксиз таълим

тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш;

- ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

- давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тармоқ гендер стратегиялари ва ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;

мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

- тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда;

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

- оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбиясида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

- оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш;

- эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ, оилавий ажримларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш;

- очик ва шаффоф бюджет сиёсатини амалга ошириш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, хотин-қизлар ва

эркакларга манзилли давлат хизматлари кўрсатиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш;

- хотин-қизлар ва эркакларга мўлжалланган ресурслар ҳамда хизматларни тақсимлаш бўйича олдиндан аниқланган мақсадларга кўра давлат маблағларидан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантириш.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгаши ташкил этилди.

Гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат.

Гендер стратегиясининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

хотин-қизларнинг ер ва мулкка нисбатан эгалик қилиш имкониятларини кенгайтириш;

жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш;

аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар

тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш;

гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга оширишда бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш;

гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистонда гендер муносабатларини ўрганишнинг назарий-фалсафий асослари

Инсоният тарихини гендер муносабатлари, яъни эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар тарихи тарзида ҳам таҳлил қилиш мумкин. Генде муносабатларини ўрганишда хотин-қизларнинг эрки ва эркисизлиги, моддий ва маънавий аҳволи доимо жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ҳолати билан боғлиқлигига эътибор бериш зарур. Бутун башарият тарихий

тараққиёти давомида эркак ва аёл ўртасидаги муносабат маълум бир давр муҳитидан келиб чиқиб турли кўринишда шакланган. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат жараёнини таҳлил қилишнинг назарий-фалсафий асослари сифатида қуйидагиларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [4]:

1. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат масаласи кишилик жамияти, ижтимоий муносабатлар, миллатлар ва давлатлар, маданият ва цивилизация билан чамбарчас боғлиқ;

2. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат масаласини таҳлил этганда, оила, урф-одат, маданият, дин - аёлларнинг бир қатор фаолиятларини, хусусан, меҳнат қилиши, таълим олиши, жамиятни бошқаришда, сиёсий жараёнларда қатнашишни бирмунча чеклаб келинганлигини унутмаслик зарур;

3. Турли минтақаларда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатнинг турли туман бўлиши, аёл ҳуқуқлари ва имкониятларининг ҳам турли тараққиёт босқичларида турлича бўлишига олиб келди. Аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари сифатида тан олиниб, халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи соҳа даражасига етгунга қадар кўп асрлар давомида курашиб келинди;

4. Эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи бугунги кунда инсоният муаммоси даражасига кўтарилди. Эндиликда халқаро майдонда аёлларга нисбатан муносабат маданиятини шакллантирмасдан туриб, инсон ҳуқуқлари тенглигига эришиб бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда гендер муносабатлари эволюцияси шартли равишда қуйидаги даврларга бўлишимиз мумкин:

1. Ўрта Осиёнинг қадимий маданиятида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни (исломгача бўлган даврда);

2. XX асрнинг биринчи чорагигача мусулмон маданиятида аёл ва эркак муносабати;

3. Шўролар ҳукмронлиги даврида инқилобий чоралар билан аёлнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга ҳаракат;

4. Мустақиллик даврида гендер маданияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Гендер тенглик ва уни таъминлаш масалалари.

Ҳаёт шиддат билан ўзгараётган даврда жамият ҳам тараққий этар экан, инсонлар ҳам замон билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилишади. Эндиликда аёллар фақат уй ишлари, бола тарбияси билан шуғулланиши керак, “ё оила, ё иш”, – деган тушунчалар гендер тенглигини таъминлашга тўсқинлик қилади. Барчангизга маълумки, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Қонун 32 моддадан иборат бўлиб, 29-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ҳамда 30-моддада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаши қайд этилган[5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев аёллар учун жуда кўп имконият ва имтиёзлар яратмоқда, жумладан 2019 йил 3 июлдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон қарори[6].

Дунёда аёллар улуши энг юқори бўлган давлат Арманистон эсан. Бу ерда аҳоли орасида аёллар улуши 55% юқори. Украинада аёллар аҳолининг 54,08 %ини ташкил қилади ва Беларуса - 53,96 фоизини ташкил қилади.

Россияда аёллар улуши 53,56% ни ташкил қилади, Латвия ва Литвад (мос равишда 53,62% ва 53,03%. Ўзбекистонда эса аёллар улуши эркаклардан кам бўлиб 49,7%ни ташкил қилади. (январь 2024)

Дунё бўйича аёллар сони энг кам бўлган давлатлар эса Форс кўрфазида жойлашган. Қатарда аҳоли орасида аёллар улуши атиги 27,49%, БААда 30,65% ва Баҳрайнда 38,04% ни ташкил қилади. Фақат Гренада ва Панамада аёллар ва эркаклар сони тенг экан. Ўртача ҳисобда аёллар дунё аҳолисининг 49,7 фоизини ташкил қилади.

Дунё бўйича аёллар сони энг кам бўлган давлатлар эса Форс кўрфазида жойлашган. Қатарда аҳоли орасида аёллар улуши атиги 27,49%, БААда 30,65% ва Баҳрайнда 38,04% ни ташкил қилади. Фақат Гренада ва Панамада аёллар ва эркаклар сони тенг экан. Ўртача ҳисобда аёллар дунё аҳолисининг 49,7 фоизини ташкил қиладию

Жаҳон банки статистик маълумотларига кўра, дунёнинг 121 мамлакатида аёллар сони эркакларга нисбатан кўп экан. Аёллар улуши энг кўп давлатлар - собиқ СССР ҳудудида, эркаклар сони кўп давлатлар эса - Форс кўрфазида жойлашган экан, РИА Новости Жаҳон банкининг очиқ статистик маълумотларини ўрганиб чиқди.

Дунёда аёллар улуши энг юқори бўлган давлат Арманистон эсан. Бу ерда аҳоли орасида аёллар улуши 55% юқори. Украинада аёллар аҳолининг 54,08 %ини ташкил қилади ва Беларуса - 53,96 фоизини ташкил қилади.

Россияда аёллар улуши 53,56% ни ташкил қилади, Латвия ва Литвад (мос равишда 53,62% ва 53,03%. Ўзбекистонда эса аёллар улуши эркаклардан кам бўлиб 49,7%ни ташкил қилади. (январь 2024)

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб 37 859 698 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоизга ошган. Шундан:

- Аёллар сони – 18,8 млн киши
- Эркаклар сони – 19,1 млн киши
- Шаҳар жойларда – 19,3 млн киши
- Қишлоқ жойларда – 18,6 млн киши.

1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 15—49 ёш тоифасига мансуб аёллар сони 9 миллион 424 минг нафарни ташкил этди.

Таъкидланишича, бу кўрсаткич йиллар давомида барқарор ўсишни намоён этмоқда. Қуйида мазкур тоифадаги аёллар сонининг йиллар бўйича динамикасини кўриш мумкин: 1991 йил — 4 821,2 минг киши; 1995 йил — 5 418,5 минг киши; 2000 йил — 6 289 минг киши; 2005 йил — 7 172,2 минг киши; 2010 йил — 7 945,4 минг киши; 2015 йил — 8 649,3 минг киши; 2020 йил — 8 982,3 минг киши; 2025 йил — 9 424 минг киши.

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 24-майдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Бандликка муҳтож бўлган ишсиз аҳоли сонини ҳисоблаш методикаси бўйича аниқланган ишсизлар сони 2020-йилнинг январь-сентябрь ойларида 31512,3 минг кишини ташкил этди ва шунга мос равишда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 10,5% ни ташкил этади, аммо бунга короновирус пандемияси ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Қуйидаги 1-жадвалда охириги давр учун кўрсаткичларни кўришингиз мумкин.

Республика миқёсида ходимларнинг умумий сонидagi аёллар улуши, 2021-йил 29-сентябр ҳолатига кўра (% фоизларда).

1-жадвал

Республика миқёсида аёлларнинг умумий бандликдаги улуши, %да					
Худудлар	Йиллар				
	2016	2017	2018	2019	2020

Ўзбекистон Республикаси	45,7	45,8	41,6	41,4	41,4
Қорақалпоғистон Республикаси	48,0	48,1	43,1	43,0	43,2
Андижон вилояти	46,3	46,3	40,7	40,4	39,1
Бухоро вилояти	47,7	48,9	42,5	45,0	42,9
Жиззах вилояти	45,2	45,4	39,0	39,6	40,1
Қашқадарё вилояти	44,2	43,6	37,9	38,1	37,2
Навоий вилояти	48,0	48,8	44,1	45,6	44,3
Наманган вилояти	42,6	41,9	39,8	41,9	42,7
Самарқанд вилояти	45,3	44,9	41,8	38,8	39,4
Сурхандарё вилояти	44,1	43,8	39,1	34,9	38,2
Сирдарё вилояти	46,0	47,0	42,7	40,0	40,6
Тошкент вилояти	49,6	50,6	42,7	41,7	42,4
Фарғона вилояти	45,7	46,2	42,9	44,2	43,2
Хоразм вилояти	45,3	44,7	43,7	42,1	42,6
Тошкент шаҳри	43,2	43,7	44,4	46,7	45,8

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, муҳандис соҳасида фаолият олиб бораётган аёлларга ривожланиш учун кўпроқ эътибор бериш керак, улар бошқасига ўзгармаслиги учун ўзларини англаб етишлари ва ўзлари севган касбда ишлаши керак. Бунинг учун жамият муҳандислик фаолиятини амалга оширишда аёлларни қабул қилиши керак. Бу мамлакат тараққиётига ва унинг фаровонлигини ошишига олиб келади. Шунингдек, аёллар учун, айниқса, туғруқ таътилида бўлган

ва ўз мутахассислиги бўйича ишлашга муҳтож бўлганлар учун қўшимча иш шaroитларини яратиш зарур. Бу соҳада мавжуд салбий қарашларни ўзгартириш ва замон билан ҳамнафас бўлиш, жамиятга аёл муҳандисларни кенгроқ жалб этиш зарур.

“Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича жами Республика бўйича бандликдаги аёлларнинг улуши, 2021-йил 29-сентябр ҳолатига кўра (% фоизда).

2-жадвал

“Саноат” иқтисодий фаолият турлари бўйича жами Республика бўйича бандликдаги аёлларнинг улуши, %					
Худудлар	Йиллар				
	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	42,9	44,2	42,1	44,0	43,2
Қорақалпоғистон Республикаси	38,8	41,8	42,7	42,3	42,4
Андижон вилояти	42,8	43,0	42,9	42,8	42,8
Бухоро вилояти	48,2	51,3	46,5	47,8	42,9
Жиззах вилояти	34,9	35,2	35,4	35,1	35,3
Кашкадарё вилояти	31,3	34,6	35,0	34,6	31,5
Навоий вилояти	48,6	47,4	39,3	46,2	41,2
Наманган вилояти	36,0	36,1	35,9	36,3	36,2
Самарқанд вилояти	47,4	47,9	48,9	48,6	48,8
Сурхандарё вилояти	30,3	30,4	30,1	30,1	30,2
Сирдарё вилояти	38,3	38,5	39,3	37,0	37,8

Тошкент вилояти	48,3	53,7	46,3	46,2	46,3
Фарғона вилояти	43,9	44,1	45,2	45,1	42,9
Хоразм вилояти	41,2	41,7	42,1	41,5	41,8
Тошкент шаҳри	42,9	43,2	38,5	51,7	51,1

Гендер тенглик тушунчаси ва турлари, ваколатли органларнинг вазифа ва функциялари, давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ишга олишда гендер тенглигини таъминлашга доир нормаларни назарда тутувчи қонунлар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси; кредит олиш ва тадбиркорлик фаолияти, гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликка олиб келган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик ва ҳ.о.

Олий таълимда гендер индекси (аёллар учун ҳисобланган инсон тараққиёти индексининг эркаклар учун ҳисобланган инсон тараққиёти индексига нисбати) қуйидагиларни кўрсатди (3 -4 жадвалларга қаранг):

Аёлларнинг гендер тенглигини таъминлаш бўйича асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эди:


- мамлакатда гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
- давлат органлари ва бошқа ташкилотлардаги аёлларнинг гендер тенглиги бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш;
- касбий сегрегация, иш ҳақидаги тафовут, аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари орасида аёллар салмоғини ошириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аёллар ҳуқуқларини камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш

бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни аниқлаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш.

Вилоятдаги ҳамкор ишлаб чиқариш корхоналаридаги ходимлар тўғрисида 2021 йил учун ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:

4-жадвал



Юқоридаги 5 жадвалдан ушбу корхоналарда муҳандислик соҳасида аёлларнинг сони нисбатан анча камлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бунинг сабаби учта асосий сабабга қўра қуйидаги гендер тенгсизликдир:

- **Биологик.** Боланинг туғилиши ва ундан кейинги тарбияси учун аёлларга жуда кўп энергия ва куч керак, бундан ташқари аёллар эркакларга қараганда жисмонан кучсизроқдир.

- **Иқтисодий.** Эркак ёки аёл яшайдиган мамлакат иқтисодиётининг тузилишига қараб, биологик хусусиятлар кўпроқ ёки камроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, саноатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни қанчалик катта бўлса, эркакларнинг жисмоний кучи шунчалик муҳим ва рақобатдош устунликлари шунчалик юқори бўлади.
- **Маданий.** Замонавий дунёда маълум ижтимоий нормалар гендер тенгсизлик масалаларида муҳим рол ўйнайди. Жамият аёл ва эркакка ўзини қандай тутиши, қандай мақсадларга интилиши, қандай турмуш тарзини афзал кўриши кераклигини белгилайди.

ХУЛОСАЛАР

Бугунги кунда, яъни техника ва технология ривожланган даврда муҳандислик соҳаси бўйича кўплаб ютуқларга эришилиб келинмоқда. Айнан бу соҳанинг ривожланиши аҳолининг турмуш шароитини ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу жараёнларни ривожланишида муҳандислик соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида муҳандислик соҳаси бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Техника ва технологиялар ривожланган бир даврда хусусий тадбиркорликларда, шу жумладан, муҳандислик соҳасида аёлларнинг иш ўринлари яратилмоқда. Хотин-қизларни муҳандислик соҳаларига жалб қилиш ва уларни иш билан таъминлаш муҳим омил ҳисобланади.

Энди юқорида келтирилган маълумотлар, қонунлар, ҳукумат қабул қилган фармонлар ва қарорлардан келиб чиқиб, муҳандислик соҳасида аёллар иштирокини 30% дан ошириш учун биз томонимиздан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Таклифлар

1.Технология соҳасига қизиқиши бор аёлларга имкон қадар енгилликлар яратилган ҳолатда шу соҳага кўпроқ жалб этиш.

2. Технологик жиҳатдан кучли билимга эга бўлган хотин-қизларимизни имкон борида лидер сифатида намоён бўлишларига тўсқинлик қилмаслик.
3. Мухандислик соҳасида фаолият олиб бораётган хотин-қизларимизни фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиш.
4. Гендер тенгликни ҳисобга олган ҳолатда техника соҳасида фаолият олиб бораётган аёлларимизга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш.
5. “Аёл–мухандис” мавзусида теледебатлар уюштириш ва уларга хотин-қизларни таклиф этиш.
6. Давлат томонидан аёлларга техник йўналишлар бўйича университетларга киришлари учун имтиёзлар бериш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 июлдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон қарори.

Ўзбекистонда олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг синергетик интеграциясини яратиш” лойиҳаси (2019-2022йй) ҳисобати. АндМИ.2022.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон қарори.